

## «Йил имоми - 2022» танлови ўтказилмоқда



16:55 / 29.11.2022 2756

Бугун, 29 ноябрь куни Ўзбекистон мусулмонлари идорасида Республикамиздаги масжидларда фаолият юритаётган имом-хатиблар ўртасида «Йил имоми - 2022» кўрик танловининг республика босқичи бўлиб ўтмоқда. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий босқичларда ғолибликни қўлга киритган имом-хатиблар беллашишмоқдалар.

Мусобақа қатнашчиларининг чиқишлари малакали ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилмоқда.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати





